O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 24 октябрь, № 208 (4871) Шанба


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 октябрь куни Оқсаройда Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Соманахалли Кришнани қабул қилди.**





Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари изчил ривожланаётганини қайд этди. Бу муносабатлар икки мамлакат халқларининг тарихий, маданий ва маънавий яқинлигига асосланган.

Ўзбекистон — Ҳиндистон ўртасидаги турли соҳалардаги муносабатлар ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосига қурилган. Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги самарали мулоқотлар йўлга қўйилган бўлиб, ташқи сиёсат маҳкамалари мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиб туради. Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, БМТ ва ШҲТ каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Сомаnahалли Кришна самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Ҳиндистон Ўзбекистон билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириб бораверишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.**



**Парламентдаги мухбирларимиз хабар қиладилар.**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама этилди.*

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида, айтиш жоизки, хусусий фермер хўжаликлари том маънода ишлаб чиқариш соҳасининг асосий шаклига, уни барқарор ва самарали ривожлантирадиган муҳим ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Эътиборли томони, қишлоқда ҳақиқий мулкдор — ер эгаси пайдо бўлди, унинг меҳнатга муносабати бутунлай ўзгарди. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик экинларидан, биринчи навбатда, пахта ва ғалладан энг юқори ҳосил олингани, ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин кўпайиб бораётганлиги, шубҳасиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарасидир.

Шу хусусда сўз борган йиғилишда 2010 йилги Давлат бюджети лойиҳасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга тегишли маблағлар ажратилаётгани қайд этилди. Хусусан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги объектларини сақлашга ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,4 фоиз миқдорида маблағлар ажратиш назарда тутилмоқда. Шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янгидан мелиорация иншоотларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда кам ҳосилли ерларда пахта хом ашёси етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга ҳам тегишли маблағлар ажратиш кўзда тутилмоқда.

Ушбу ажратилаётган маблағлар, йиғилиш иштирокчилари эътироф этганидек, қишлоқ хўжалиги соҳасининг янада самарали ва барқарор ривожланишига, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

* * *

*Парламент қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган йиғилишда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси самарадорлигини Бухоро вилоятида ўрганиш якунларига доир масала муҳокама қилинди.*

Йиғилишда қайд этилганидек, Бухоро вилоятида ушбу Қонуннинг ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси ва туман, шаҳар ижрочилари ўз фаолиятларини Қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширмоқдалар. Хусусан, суд ижрочила-

(Давоми 2-бетда).

## ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

***Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Мег Ландсейгер, Аге Баккер, Амбуаз Файоль, Хэ Цзянь Сюн, Томас Мозер ва Клаус Д. Штайндан иборат ижрочи директорлари миссияси Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун матбуот анжумани ўтказди.***

Анжуманда улар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш борасидаги муваффақиятларини яна бир бор қайд этди.

Делегация номидан сўзга чиққан Германиядан ижрочи директор Клаус Д. Штайн делегация Тошкентга Истанбулдан келганини ва у ерда ХВЖ ҳамда Жаҳон банки Гуруҳининг ҳар йилги кенгашида, асосан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози билан боғлиқ масалалар муҳокама этилганини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, инқирознинг турли мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини ўрганиш ва таққослаш миссиянинг Ўзбекистонга бу галги ташрифининг мақсадларидан биридир.

К. Штайн республикамизда қатор манфаатдор томонлар, шу жумладан, жамоатчилик ва хусусий сектор вакиллари билан учрашиш имкониятига эга бўлганидан мамнуният изҳор этди.

К. Штайн журналистларнинг ХВЖ жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишда Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини қандай баҳолаши ҳақидаги саволига жавоб қайтарар экан, «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистонга ўзининг салбий таъсирини деярли ўтказа олмади. Бунда ҳукуматнинг иқтисодий ўсиш ва инқироз таъсирига қарши туриш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб боргани муҳим омил бўлди», деди.

«Бу, шунингдек, расмий идоралар томонидан жаҳон молия бозорларида иштирок этишда оқилона сиёсат олиб борилганининг ҳам самарасидир», деди К. Штайн.

Бу борада ХВЖ вакили ҳукуматимиз томонидан ички бозорда талабни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳам ишлаб чиқилганини таъкидлади.

«Биз бу чора-тадбирларни маъқуллаймиз», деди у.

ХВЖнинг Швейцариядан ижрочи директори Томас Мозер мамлакатимизни 2009-2010 йилларда иқтисодий ривожлантириш прогнозлари хусусида сўз юритар экан, ХВЖнинг жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги охирги нашрига мувофиқ, жорий йилда Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш 7-8 фоизни ташкил этиши кутилаётгани, 2010 йилда эса ушбу кўрсаткич 2009 йилдагидан паст бўлмаслиги тахмин қилинаётганини маълум қилди.

Шунингдек, Германиядан ижрочи директор Клаус Д. Штайн ХВЖнинг Ўзбекистонга нисбатан қатор позициялар бўйича нуқтаи назари ўзгарганини, негаки, мамлакатимиз мураккаб жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида амалга ошираётган ўз иқтисодий сиёсатининг тўғрилигини исботлай олганини эътироф этди.

«ХВЖнинг Ўзбекистондаги иқтисодий сиёсатни, амалга оширилаётган ислоҳотлар суръати, ташқи қарзлар сиёсати, иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг роли, шунингдек, банк фаолиятини назорат қилишни баҳолашга нисбатан нуқтаи назари сўнгги пайтда ижобий томонга кескин ўзгарди. Шубҳасиз, бунга Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида амалга ошираётган ўз иқтисодий сиёсати тўғри эканлигини намоён эта олгани сабаб бўлди», деб таъкидлади Клаус Д. Штайн.

Германиядан ижрочи директор Клаус Д. Штайн матбуот анжуманини якунлар экан, делегация номидан «Биз Халқаро валюта жамғармаси ва Ўзбекистоннинг расмий органлари ўртасида қарор топган самарали ҳамкорликни давом эттиришни қўллаб-қувватлаймиз», деб таъкидлади.

**(ЎзА).**

**М. К. Дхар:**

## «ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЎТКАЗИШДА ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА НАМУНА БЎЛМОҚДА»

***Ҳиндистоннинг нуфузли "Political Events" ҳафталик ахборот-таҳлилий журнали ўз саҳифасида таниқли сиёсий шарҳловчи М. К. Дхарнинг "Марказий Осиёнинг демократия томон йўналиши: пешқадам Ўзбекистоннинг ўрни" сарлавҳали мақоласини чоп этди. Унда муаллиф жорий йилнинг декабрь ойида бўлажак парламент сайловлари жараёнлари доирасида мамлакатда амалга оширилган демократик ислоҳотлар ҳақидаги ўз мулоҳазаларини баён этди.***

**Биз ва дунё**

"Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришиши биланоқ ўз сиёсий тизимини демократлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини таъминлаш йўлида дадил одимламоқда, — дея ёзади М. К. Дхар. — Собиқ иттифоқ парчаланганидан сўнг Марказий Осиёнинг ҳар бир давлати жиддий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммолар қаршисида қолди. Минтақа давлатларининг ҳаммаси ҳам бирдек ривожлангани йўқ: бирида сиёсий беқарорлик ёки иқтисодий етишмовчилик ҳукм сурган бўлса, иккинчиси ислом фундаментализмининг таъсирига тушиб қолган эди.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида демократик жамиятни изчил ва босқичма-босқич барпо этишда пешқадам ҳисобланади. Шу билан бирга, мамлакатда оммавий сиёсий маданиятни ошириш, аҳолининг демократик жараёнларга фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шундай саъй-ҳаракатлар туфайли мамлакатда мустақиллик йилларида аҳолининг сиёсий фаоллигини сезиларли даражада оширишга эришилди. Бунинг натижаси сифатида охирги президент сайловларида овоз бериш ҳуқуқига эга фуқароларнинг

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Халқимиз осойишталигини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган жасорати ва фидокорлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги мардлиги, мамлакатимизда барқарорликни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Арипов Раим Рауфович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Асадов Ҳасан Даминович** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Режевалиев Музафар Орунбаевич** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси тезкор вакили

**Утешов Аскарали Исметуллаевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

### «Дўстлик» ордени билан

**Бонадисев Сергей Александрович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси Эксперт-криминалистика бўлимининг катта эксперти

**Лифанов Владимир Федотович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳарбий-сафарбарлик ишлари ва фуқаролар мудофааси бўлими бошлиғи

**Эшонкулов Ғанишер Мирзамаҳмудович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

### «Жасорат» медали билан

**Аликулов Азамат Шерович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси отряди командири

**Бадриддинов Рўзимурод Меҳмонович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси инспектор-кинологи

**Жумагелдиев Курбанияз Якупбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани Ички ишлар бўлимининг катта тезкор вакили

**Жаркинов Қодир Алиевич** — Самарқанд вилояти Ургут тумани Ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги бўлинмасининг ҳарбийлаштирилган қисми смена бошлиғи

**Мадаюпов Элмурод Солижонович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

**Расулов Нематжон Собирович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл-патруль хизмати бригадаси инспектори

**Тожибоев Абдусамад Абдурашидович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси милиционер-ҳайдовчиси

**Тошназаров Шуҳрат Мирмуҳамадович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Шеров Икром Анорович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Бадалбоев Маннон Якубович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисми катта инструктори

**Жўрабоева Нигора Абдураҳмоновна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот маркази инспектори

**Измайлова Наталья Викторовна** — Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Ички ишлар бошқармаси статистика гуруҳи катта инспектори

**Қаршибоев Убайдулла Атауллаевич** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Колонов Азамжон Обидович** — Фарғона вилояти Данғара тумани Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Мирзамов Салимжон Тўхтабоевич** — Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Ички ишлар бўлимининг вақтинча сақлаш ҳибсхонаси бошлиғи ўринбосари

**Муяссаров Асрор Акрамович** — Бухоро вилояти Пешку тумани Ички ишлар бўлимининг катта терговчиси

**Пармонов Истам Исломович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг катта инспектори

**Раимқулов Ниғматилла Жумадуллаевич** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

**Сапартаев Шамурат Янашевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Умирзоқов Ильёс Сафарбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

### «Шуҳрат» медали билан

**Болтаев Хожибой Ўринович** — Хоразм вилояти Урганч шаҳар Ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Зикиров Чори Тошпўлатович** — Сурхондарё вилояти Ангор тумани Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Маматов Акбарали Абдимиталович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси милиционери

**Миразов Даврон Мирагзамович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кафедра бошлиғи

**Ширназарова Санобар Патхидиновна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "Интерпол" миллий марказий бюроси котибияти бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 23 октябрь

**_Ижобий хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида ҳамда демократик жамиятни изчиллик билан шакллантириш бўйича мамлакатимиз амалиётини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда кўп партиявийликка асосланган сайлов тизимининг миллий модели яратилди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон бугунги сайлов тизимига бирданига эришгани йўқ. Халқимизнинг миллий анъаналари ва «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳикматига асосланган кўп асрлик тажрибаси негизида мамлакатимиз сиёсий фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий партиялараро рақобатга асосланган, бугун амал қилаётган сайлов тизимига ўтди._**

# ФУҚАРОЛАР СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ТИЗИМИДА САЙЛОВ ҲУҚУҚИНИНГ АҲАМИЯТИ

Кўплаб давлатлар бунга юзлаб йиллар давомида эришган (ва бу табиий), айримлари, ҳатто, жараённи жадаллаштиришга ҳаракат қилган, бу эса ҳар доим ҳам муваффақиятли кечмаган, баъзан фожиаларга ҳам олиб келган.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, сайловда иштирок этиш ихтиёрий ва эркин ҳисобланади. Ҳеч ким фуқарони овоз беришда иштирок этишга мажбурлай олмайди, унга бирон-бир тарзда тазйиқ ўтказа олмайди, у қандай овоз бериши керак ва умуман, овоз бериш керакми, деган масалани мустақил ҳал қилади. Бу қоида мамлакат фуқароларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига бўлган юксак ишонч даражасидан далолат беради. Айни пайтда шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, сайлов жараёнида ҳар бир киши овоз бериб, жамият ва давлат бошқаруви ишларида иштирок этишдек конституциявий ҳуқуқини бевосита амалга оширади.

Кўплаб муҳим масалалар ва муаммолар жамиятнинг ҳар бир аъзоси билан бевосита боғлиқ бўлган глобаллашув даврида ушбу муаммолар қай тарзда ҳал қилинишини лоқайдлик билан кузатиш, улардан четда туриш мумкин эмас.

Сайлов ҳуқуқи ва сайловнинг жамиятни демократлаштиришдаги аҳамияти қуйидагилардан иборат:

биринчидан, сайлов ҳуқуқи ва сайлов ҳокимиятнинг вакиллик ҳамда ижроия органларини шакллантиришда фуқароларнинг фаол иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни таъминлайди;

иккинчидан, сайлов жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини оширишга, шунингдек, жамоатчилик назоратининг кучайишига хизмат қилади;

учинчидан, кенг кўламли ислоҳотлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг мақсадли вазифаларини бажаришда, ижроия ҳокимияти томонидан ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ва масъулиятини оширади;

тўртинчидан, фуқаролар орзу-умидлари ифодаси бўлмиш сиёсий партиялар ўртасида конструктив рақобатнинг кучайишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни қабул қилиниши сиёсий партиялар роли ва таъсирини кучайтириш, сайлов тизими ва қонунчилигини янада либераллаштириш ҳамда демократлаштириш каби мақсадларга қаратилган. Қонун Ўзбекистон Экологик ҳаракатига аҳолининг қулай атроф-муҳит ва соғлиқни сақлашга доир ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларга оғишмай риоя қилиш, атроф табиий муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг имкониятлар яратди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 135 нафар депутати ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида, 15 нафар депутати эса — Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланади. Шундай қилиб, округлар сони 120 тадан 135 тага кўпайтирилди.

Сайлов тизими ва қонунчилигини

**Сайлов — 2009**

янада либераллаштириш ва демократлаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга алоҳида «Сиёсий партиянинг ваколатли вакили» номли $17^1$-модда киритилиб, унга кўра, депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партия Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун ўз аъзоларидан ваколатли вакилини тайинлашга ҳақли эканлиги белгиланди. Худди шундай норма алоҳида $17^1$-модда билан “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳам киритилган.

Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари Марказий сайлов комиссияси томонидан имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текшириш жараёнида иштирок этишлари мумкин. Бу норма имзо варақаларини текширишда холисликни таъминлаш, сайловлар ошкоралигининг, сайловларни ўтказиш борасида сиёсий партиялар ҳуқуқларини амалга оширишнинг қўшимча кафолатларини яратиш имконини беради. Шунингдек, овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилиши ва участка сайлов комиссияси раиси, унинг ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари томонидан имзоланадиган баённомага киритилиши ҳам белгиланган. Шундан сўнг баённома участка сайлов комиссияси раиси ёки унинг ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ва унинг нусхаси участка сайлов комиссияси биносида ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга осиб қўйилади. Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ва “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига киритилган ўзгартишларга биноан, шикоят билан мурожаат қилган шахслар ўз шикоятларини кўриб чиқишда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Юқорида қайд этилган янги нормалар сайловларнинг транспарентлиги ва ошкоралигини таъминлаш, шунингдек, участка сайлов комиссияси фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга имкон беради.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилиниши билан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормалари ҳамда демократик андозаларнинг мустаҳкам пойдевори асосида ҳуқуқий давлат негизларини амалда шакллантириш давлат ҳокимияти соҳасидаги ўзгаришларнинг асосий йўналишига айланди. Умумий, тўғридан-тўғри ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш ёки хоҳиш-иродасини эркин билдиришни таъминлайдиган бошқа шакллар орқали даврий ҳамда сохта бўлмаган сайловларда ўз ифодасини топадиган халқ эрки бундай давлат тузумини барпо этишнинг асоси ҳисобланади. Кўплаб муҳим ҳокимият органларини сайлаш йўли билан шакллантириш, эркин ва ҳаққоний сайловларни мунтазам равишда ўтказиш мамлакат сиёсий тузумининг қонуний эканлигининг бош мезони, ёрқин ифодасидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Модомики, биз демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш каби эзгу мақсад сари интилаётган эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловларни муносиб ташкил қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир”.

Хулоса қилиб айтганда, эркин сайловлар референдум билан бир қаторда халқ ҳокимиятининг олий ифодаси ҳисобланади, давлатнинг жаҳон майдонидаги нуфузи эса, кўп жиҳатдан, унинг сайлов тизими очиқлиги ва демократик эканлигига боғлиқ. Шу боисдан ҳам сайлов тўғрисидаги қонунлар ва уларнинг такомиллаштирилиши жараёни Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмидир.

Сайлов демократиянинг энг муҳим институти, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини ифодалаш ҳамда сиёсий жараёнларда, давлат ва жамият бошқарувида иштирок этишнинг муҳим шакли, шунингдек, айни вақтда давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришнинг усулидир.

**Аъзамжон РАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кафедра мудири, юридик фанлар доктори, профессор.**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ри бўлимларига келиб тушаётган ижро ҳужжатларининг сони йилдан-йилга ошиб, 2009 йилнинг биринчи ярмида 2008 йилнинг худди шу даврига нисбатан 65 фоизга ўсган. Ижро ҳужжатлари бўйича ундирилаётган тўловлар ҳам йилдан-йилга кўпайиб бораётир.

Шунингдек, йиғилишда ижро иши юритиш билан боғлиқ муаммолар атрофлича муҳокама этилди. Давлат фойдасига ундирувлар, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, давлат божларини, жиноят ишлари ва маъмурий ишлар бўйича жарималарни ундириш ҳамда умумий юрисдикция судлари қарорларининг ижросидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Қизғин муҳокама жараёнида ушбу масала бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, суд ижрочиларининг касб маҳорати ва уларнинг ўз вазифаларига нисбатан масъулиятини янада ошириш ҳамда бу борадаги қонун ҳужжатларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

* * *

*Шунингдек, Олий Мажлис қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари ижроси юзасидан парламент мониторинги” мавзуида давра суҳбати ташкил этди.*

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар ва Адлия вазирликлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтлари вакиллари қатнашишди.

Маълумки, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан зиёд халқаро ҳужжатнинг, шу жумладан, БМТнинг асосий олтита шартномаси иштирокчиси бўлиб, ўзининг халқаро мажбуриятларини изчиллик билан бажармоқда. Айни пайтда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан аниқ вазифаларни амалга ошириб келмоқда. Айниқса, мамлакатимизда икки палатали парламент шакллангандан кейин инсон ҳуқуқлари бўйича қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва халқаро шартномаларнинг бажарилиши устидан парламент мониторинги тизимининг йўлга қўйилиши бу борадаги ишларнинг янада самарали бўлишини таъминлади.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони эълон қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва нормаларига содиқлигини яна бир бора тасдиқлади.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари ижроси юзасидан парламент мониторингининг ўзига хос жиҳатлари ва уни янада такомиллаштиришнинг муҳим қирралари ҳамда бу соҳада ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб масалалар хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида чет эллик инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари ўзига хос тарзда акс этганлиги ҳамда ушбу нормаларнинг ижроси юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарали бўлишини таъминлаб келаётганлиги эътироф этилди.

Тадбирда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

# М. К. Дхар: «ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЎТКАЗИШДА ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА НАМУНА БЎЛМОҚДА»

(Давоми. Боши 1-бетда).

80 фоизи иштирок этганини айтиб ўтиш мумкин. Шу ўринда сайловларнинг ўтказилиши ва сайлов жараёнида аҳолининг фаол иштироки билан боғлиқ барча ташкилий масалалар мустақил Марказий сайлов комиссияси (МСК) томонидан ҳал қилинади.

Мустақиллик йилларида турли даражадаги сайловларни ўтказиш учун Ўзбекистон етарли қонуний ва ҳуқуқий базани ташкил этди. Мазкур база Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, сайловларга бағишланган бир қатор қонуний ҳужжатларни ўз ичига олади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таъкидлашича, самарали ва демократик сайлов тизимининг яратилиши демократик янгиланиш, ижтимоий-сиёсий ривожланиш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни олға силжитиш, мамлакат аҳолисининг юқори турмуш даражасини ва фаровонлигини таъминлаш жараёнларида муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Жорий йил декабрь ойида бўлиб ўтажак Ўзбекистон парламентига сайлов сифатли асосдаги янги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий шароитларда ўтказилади. У жамиятни демократик янгилаш ҳамда модернизациялаш жараёнида икки палатали парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ролини сезиларли даражада оширишга қаратилган.

Қонунчилик жараёни ва жамиятни модернизациялаш, сиёсий партиялар ҳамда фуқаролик институтларининг фаолиятини яхшилаш каби энг муҳим масалаларни муҳокама қилиш жараёнида фуқаролар иштирокининг кўламини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Жамиятнинг барча қатламларини истисносиз тарзда ўз ичига олган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларининг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, янги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатлар учун мамлакат парламентидан 15 та ўрин ажратилди.

Ўзбекистон мунтазам равишда қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятларининг фаолиятини, уларнинг қонуний базасини такомиллаштириб келмоқда. Жумладан, мамлакат фуқароларининг ташаббускор гуруҳлар томонидан депутатликка номзодларнинг тавсия этилиши тажрибасидан воз кечди, эндиликда бундай ҳуқуққа фақат сиёсий партиялар эга бўлишди. Бу эса сайловларнинг янада демократик тарзда ўтишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Марказий сайлов комиссияси биринчи марта сайлов жараёнининг барча босқичларини қамраб оладиган, хусусан, сайловчилар ва сиёсий партияларга уларнинг ҳуқуқлари, имтиёз ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни берувчи, яъни, демократик жараёнларга тўла амал қилинишини таъминловчи ҳужжат тайёрлади”.

25-26 август кунлари “Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишда очиқлик, ошкоралик ва транспарентликни таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари: жаҳон тажрибаси, меъёрлар ва андозалар” мавзуида Бухоро шаҳрида ўтказилган халқаро анжумандаги иштироки ҳақида ёзар экан, ҳиндистонлик эксперт, жумладан, шундай мулоҳазаларни билдиради: “Учрашув чоғида иштирокчилар очиқ ва демократик сайловларни ўтказиш тажрибаси борасида фикр алмашишди, сайлов жараёнларининг турли давлатларда мавжуд ҳуқуқий асосларини муҳокама қилишди. Шу билан бирга, улар дунёнинг барча давлатлари учун муносиб демократик моделнинг мавжуд эмаслигини қайд этдилар ва Ўзбекистон демократик жараёнларда, давлатни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаётган демократик жамиятни қуриш йўлида муваффақиятли одимлаётганига амин бўлишди. Шунингдек, матбуот эркинлигини таъминлаш борасида ҳаётга татбиқ этилган қонуний кафолатлар ўз самарасини бермоқда. Бунинг натижасида мамлакатда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари сони ва айни пайтда муҳим аҳамият касб этувчи сифат даражасида кескин ўсиш кузатилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўз қонунчилик базасини такомиллаштириш учун хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларини кенг татбиқ этди. Мамлакат халқаро сиёсий-иқтисодий институтларнинг маслаҳатларини жорий қилмоқда, бу эса демократиянинг ўсишига ва давлатнинг демократик асослари такомиллашувига хизмат қилаётир”.

Мақола якунида муаллиф Ўзбекистон демократик ислоҳотлар олиб борилиши борасида минтақада ўрнак бўлаётганини таъкидлайди. "Сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириш, ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши ҳақида қонунчиликка киритилган ўзгартишлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа бўйича қўлга киритилган демократик ютуқлардан бири бўлди, — деб ёзади М. К. Дхар. — Айни пайтда Ўзбекистонда демократик жамият қуриш жараёни давом этмоқда. Мамлакат ўз қонунчилик тизимини замонавийлаштирмоқда, сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг мамлакат ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини ошириш юзасидан тегишли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда".

**Бобур СОБИРОВ,**
**«Жаҳон» АА.**
Деҳли

# ЗАМОНАВИЙ ТРАНСПОРТЛАР — ЭЛ ХИЗМАТИДА

**_Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда халқ хўжалигининг муҳим бўғини — транспорт соҳасининг жадал ривожланишига ҳам имконият яратмоқда. Бугун йўлларни тўлдириб ҳаракатланаётган замонавий автотранспорт воситаларини кўриб, кишининг дили яйрайди, юки йўлда қолмаслиги, борар манзили яқин бўлишидан кўнгли хотиржам тортади. Жумладан, ярим миллион нафар аҳоли истиқомат қилаётган Наманган шаҳрида ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар ибратга лойиқ._**



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2009-2012 йиллар давомида Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган дастурдан вилоят маркази аҳолиси ва меҳмонларига транспорт хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш вазифаси ҳам ўрин олган. Ана шу вазифаларни бажариш асносида “Наманган йўловчи ташиш” давлат унитар корхонаси иш бошлади. Айтиш керакки, янги корхонани ташкил этиш ва унинг техник имкониятларини мустаҳкамлашда “Ўзавтосаноатлизинг” компаниясининг моддий ёрдами муҳим аҳамият касб этди. Компания томонидан беш йил муддатда тўлаш шарти билан ажратилган 10 миллиард сўм маблағ ҳисобига бир йўла 200 та замонавий автобус сотиб олинди.

Йўловчи ташиш жараёнида малакали хизмат кўрсатиш бугунги куннинг асосий талабидир. Янги автобусларга ҳайдовчиларни танлаш жараёнида ана шу талабдан келиб чиқмоқдамиз. Натижада етарли тажрибага эга, маҳоратли, шаҳар ҳудудини яхши биладиган номзодлардан 450 нафари танлаб олинди. 80 нафарга яқин чипта сотувчи назоратчилар, асосан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари орасидан сараланди. Бугунги кунда ҳудудда 22 йўналиш бўйича автобусларнинг мунтазам қатнови йўлга қўйилган.

**Интилиш**

“Isuzu” автобуслари йўловчилар учун қулайлиги, дизайни ва техник кўрсаткичлари билан ҳар қандай турдош транспорт воситасидан қолишмайди. Қаровини жойига қўйиб фойдаланилса, узоқ йиллар таъмирсиз ишлайди. Шу мақсадда, саройимизда мукаммал техник сервис хизматини йўлга қўйдик. Унинг тажрибали мутахассислари машиналарни муддатли ҳамда кундалик техник кўрикдан ўтказиб боришади. Шу тариқа автобуснинг кун давомида бенуқсон ишлаши таъминланади.

Автокорхонамиз фаолиятининг изчил йўлга қўйилиши шаҳарда нақд пул тушумига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, ўтган ой давомида йўловчиларга 300 миллион сўмликдан зиёд хизмат кўрсатдик. Ана шу маблағнинг асосий қисмини нақд пул ташкил этди. Бундан ташқари, қонуний имтиёзга эга бўлган йўловчилар ҳам автобусларнинг беминнат хизматидан фойдаланишмоқда.

**Нурилло САЙДУЛЛАЕВ,**
**«Наманган йўловчи ташиш» давлат унитар автокорхонаси директори.**

**СУРАТДА:** корхона ҳайдовчилари янги “Isuzu” автобусларининг техник имкониятлари ҳақида фикр алмашмоқдалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

# Экспорт ҳажми ортади

**_Самарқанд вилоятидаги “Сиёб агрофирмаси”нинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш цехида айни кунда қадоқлаш ишлари қизғин паллага кирган._**

Бу ерда деҳқон ва фермер хўжаликларидан мева ва полиз экинлари пешма-пеш қабул қилиниб, ҳосил тарозидан ўтгандан сўнг дарҳол ҳисоб-китоб қилинмоқда.

Айтиш лозимки, ўтган йили бу ерда тайёрланган 1,5 миллион шартли банка помидор маҳсулотларининг 85 фоизи Россияга экспорт қилинган эди. Бу йил эса 5 миллион шартли банка помидор қадоқланиши ва ўз навбатида, экспорт ҳажмининг ортиши кутилаяпти.

**А. САТТОРОВ.**

**_Мамлакатимизда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидандир. Зеро, аҳоли саломатлигига эътибор қаратилган жамиятда ҳамиша юксалиш, барқарор ривожланиш, тинчлик-осойишталик ҳукм суради. Шу боис ҳам юртимизда Президентимизнинг бевосита ғамхўрликлари туфайли хотин-қизлар ва болалар ҳақ-ҳуқуқлари изчил таъминланмоқда._**

# ОНА БЕРГАН БЕБАҲО НЕЪМАТ

Эътиборлиси, “Соғлом она — соғлом бола” йўналишидаги вазифаларнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорлари муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Маълумки, соғлом фарзандни тарбиялаб вояга етказиш учун унинг соғлом бўлиб туғилиши кифоя қилмайди. Бунинг учун гўдакни она сути билан парваришлаш муҳим аҳамиятга эга. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг кўп қиррали (мультииндикаторли) тадқиқотларига кўра, бугунги кунда бутун дунё бўйича ҳар йили 4 миллион гўдак туғилганидан сўнг 4 ҳафтага етмасданоқ оламдан кўз юммоқда. Ўлимнинг 30 фоизи чақалоқ ҳаётининг илк ҳафтасига тўғри келади. Агар ер юзида туғилаётган гўдаклар фақат она сути билан боқилганида 1,5 миллион гўдакнинг ҳаёти асраб қолинган бўлур эди...

Шу нуқтаи назардан айтганда, ташқи муҳитга, айниқса, номақбул экологик ўзгаришларга кўникиб улгурмаган гўдакни озиқлантиришнинг рисоладаги варианти, бу — она сути. Онанинг сути — тайёр иммунитет (чақалоқлар уч ойгача юқумли касалликларга чалинмайди), оқсил, углевод, ёғ, витаминларга бой микроэлементлар мажмуасидан иборат ноёб озиқ моддаси ҳисобланади. Она сути билан парваришланган бола ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан соғлом, бардам-бақувват бўлиб ўсади. Бу нафақат болага, балки оналарга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Тадқиқотлардан маълумки, боласини кўкрак сути билан боққан аёлларда жинсий аъзоларнинг, шу билан бирга, кўкрак безининг саратони деярли учрамайди.

Бугунги кунда нафақат ривожланиб бораётган давлатларда, балки умуман, жаҳонда болаларни она сути билан парваришлаш лозимлиги хусусида кенг ва атрофлича уқтирилмоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунё бўйича оналар ўлимининг 22 фоизи, болалар ўлимининг 56 фоизи тўлақонли овқатланмаслик оқибатида рўй бермоқда.

Кўкрак ёшидаги бола ҳаётининг илк 6 ойи давомида фақат она сути билан таъминланиши дунё тажрибасида ҳам қайд этилмоқда. Бироқ ёш оналарнинг бунга тўла-тўкис риоя этмаётгани, бутун жаҳонда болалар қўшимча овқатларини ишлаб чиқарувчи компанияларнинг турли хилдаги, шу билан бирга, гўдакларда турли асоратлар келтириб чиқаришга сабаб бўлаётган сунъий озиқ маҳсулот-

**Мушоҳада**

ларининг истеъмол бозорларида кўпайиб бораётгани кишини ташвишлантиради. Ана шуларни инобатга олган ҳолда, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси томонидан 1981 йилда “Кўкрак сутининг ўрнини босувчи овқатлар маркетинги бўйича Халқаро Қоидалар тўплами” ишлаб чиқилди. Охирги бир неча ўн йилликлар давомида БМТнинг Болалар фонди — ЮНИСЕФ ва ЖССТ жаҳонда она сутининг афзалликларини қўллаб-қувватлашга оид Қоидалар тўпламининг ижросини таъминлаб келмоқда. Айниқса, 1991 йилдан буён ушбу халқаро нуфузли ташкилотларнинг она сути ҳимоясига оид фаолияти кескин кучайтирилди. Жумладан, уларнинг "Болага меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш" шиори билан ушбу йўналишда касалхоналар ташкил қилинди.

Ташвишланарлиси шундаки, сўнгги йилларда жаҳоннинг қатор мамлакатларида болалар озиқ-овқатлари рекламаси шунчалик кучайтирилдики, натижада ишлаб чиқарилган болалар таомлари она сутини сиқиб чиқара бошлади. Оналар беихтиёр ушбу овқатларнинг кўкрак сутидан афзал эканлигига, эндигина туғилган чақалоқни фақат бутилкалар ва сўрғичлардаги тайёр озиқ-овқат билан боқиш мумкинлигига ишона бошладилар. Оқибатда, сунъий (тайёр) озиқ моддалари билан парваришланган болалар, ёш гўдаклар орасида турли касалликлар, уларнинг оғир асоратлари, айниқса, ушбу тоифадаги болаларнинг юқумли касалликларга тезда чалиниш ҳоллари кўпая бошлади.

Шу боис дунёнинг қатор давлатларида юқорида қайд этилган Халқаро қоидалар тўпламига мувофиқ, “Кўкрак сутининг ижтимоий муҳофазаси тўғрисида”ги қонунлар қабул қилина бошланди.

Ҳозирда Ўзбекистонда ҳам кўкрак сутининг ижтимоий муҳофазасига оид қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга зарурат бор, десак хато бўлмайди. Чунки кейинги йилларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФнинг ҳудудий ваколатхонаси ҳамкорлигида бу борада олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, мамлакатимизда болаларнинг илк туғилган вақтидан 6 ойгача бўлган давргача мутлақ она сути билан озиқланишига оид кўрсаткичлар жуда паст рақамни — атиги 26,7 фоизни ташкил қилади.

Она сутининг ижтимоий муҳофазасига бағишланган қонун лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад, гўдакни она сути билан боқишни кенг тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Шу билан бирга, болалар озиқ-овқатини узлуксиз реклама қилишга нисбатан муросасиз бўлишдир. Ушбу мақсадга эришиш учун қонун лойиҳасида болаларни она сутининг ўрнини босувчи воситалар билан боқишни амалга ошириш, маҳсулотларни реклама қилиш кабилар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш бўйича давлатнинг (давлат органларининг) мажбуриятлари ўзининг аниқ ва қатъий ифодасини топиши зарур...

Мухтасар қилиб айтганда, ҳар бир жамиятда соғлом фарзандларнинг камол топиши уларга яратилган шарт-шароитларга бевосита боғлиқ. Мамлакатимизда эса бу борада катта тажриба тўпланди. Эндиликда сизу биз учун қадрли бўлган жажжи кичкинтойларимиз соғлиғини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, бу, ўз навбатида, уларнинг юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлишларини изчил таъминлайди. Зеро, ҳар томонлама соғлом ёшлар салоҳиятли жамият барпо этишга қодир бўла олади.

**Зуҳра БОТИРОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Беморлар сони ортган

***Россияда А/H1N1 гриппи билан хасталанган беморлар сони минг нафарга етган.***



Бу ҳақда мамлакат бош санитар шифокори маълум қилди. Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, сўнгги бир неча кун ичида яна 120 нафар кишида ушбу касаллик аломатлари аниқланган. Ҳозирда 8 та шаҳарда А/H1N1 гриппи билан боғлиқ ҳолат қайд этилган.

Бундан ташқари, мазкур грипп сабаб Байкалорти ўлкасида ҳарбий хизматга кузги чақирув мавсуми вақтинча тўхтатилган. Гап шундаки, бу ерда хасталикни юқтирганлар сони 162 кишига етган. Улардан беш нафарининг аҳволи оғирлиги айтилмоқда.

### Харидорлар аниқ

***"Рейтер" ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, яқин кунларда дунёга машҳур "Opel" автомобилсозлик концернининг янги эгаси маълум бўлади.***

Концернга эгалик қилиш учун айни пайтда Канаданинг "Magna International" компанияси, шунингдек, Россия жамғарма банки ҳайрихоҳлигини билдирган. Еврокомиссиянинг рақобат бўйича комиссияси аъзоси Жонатан Тодднинг сўзларига қараганда, "Opel" шу икки харидордан бирига пулланиши аниқ экан.

### Афғонистонда зилзила

***Афғонистоннинг шимоли-шарқида Рихтер шкаласи бўйича 6,2 балли зилзила содир бўлди.***

Табиий офат маркази Файзобод шаҳридан 77 километр жанубда қайд этилган. Ҳозирча талафотлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг апрель ойи ўрталарида ҳам мамлакатнинг Нангархар провинциясида икки бор ер силкиниши кузатилганди. Оқибатда қарийб 22 киши ҳаётдан кўз юмган, 30 киши турли даражада тан жароҳати олган, икки юздан ортиқ тураржой эса вайронага айланганди.

### Молиявий кўмак бермоқчи

***АҚШ ҳукумати Покистонга 7,5 миллиард доллар миқдорида молиявий кўмак бермоқчи.***

"Рейтер" ахборот агентлиги хабарига қараганда, Оқ уй раҳбари бу борадаги ҳужжатга имзо чеккан. Ушбу маблағ беш йил давомида ҳар йили 1,5 миллиард АҚШ долларидан йўналтириб турилади. У мамлакатда ночорликка барҳам беришга қаратилган ижтимоий ҳамда иқтисодий дастурларни амалга ошириш учун сарфланади.

Бу қарорга Покистон томони ҳеч қандай муносабат билдирмаган.

### Митти динозавр қолдиқлари

***Палеонтологлар Шимолий Америка ҳудудидан энг кичик динозавр қолдиқларини топишди.***



Мутахассисларнинг фикрига қараганда, ер юзида бундан 150 миллион йил муқаддам яшаган бу жониворлар ушбу турининг оғирлиги 1 килограмм, узунлиги 70 сантиметрга тенг бўлган. Уларнинг бошқаларидан яна бир фарқи эса, фақат ўсимликлар билан озиқланганидадир.

Олдинги кичик динозавр қолдиқлари 1982 йилда топилганди ва унинг оғирлиги икки килограммни ташкил қиларди.

### Темир йўлдаги кўнгилсизлик

***Ҳиндистонда темир йўл ҳодисаси содир бўлди.***

Мамлакатнинг Уттар Прадеш штатида юз берган кўнгилсизлик оқибатида 15 нафарга яқин йўловчи ҳалок бўлган. Фалокат сабаблари ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Тахминларга қараганда, поездлардан бири семафорнинг қизил чироғида тўхтаб турган вақтда унинг ортидан бошқаси келиб урилган.

Воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

### Касалликка қарши кофе

***Кун давомида бир неча марта кофе истеъмол қилиш С гепатити билан оғриган беморларда патологик ўзгаришлар ривожланишини секинлаштиради. Бу ҳақда "Hepatology" илмий журналида келтириб ўтилган.***

Мутахассислар шундай касалликка чалинган, анъанавий дори-дармонлар наф қилмаган 766 кишида тўрт йил кузатув олиб боришди. Бу вақтда уларнинг кун бўйи қанча кофе ёки чой ичиши қайд этиб турилди. Хулоса шу бўлдики, уч пиёла ёхуд ундан ортиқ кофе истеъмол қилганларда касалликнинг кучайиш хавфи 47 фоизга пасайган. Чойда эса бундай хусусият аниқланмаган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

**Молия муассасаларида**

## Халқ банки: КАФОЛАТЛИ ХИЗМАТ — ИШОНЧ МЕЗОНИ

***Мамлакатимиз молия муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалда ўз самараларини бермоқда. Хусусан, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мижозлар ишончини қозонаётган банкларимиз эндиликда хизмат турлари ва сифатини янада ошириш, аҳолига янгидан-янги имтиёзларни тақдим этишга интилишмоқда. Мақсад — одамларимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлидаги эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиш.***

Давлат-тижорат Халқ банки Сурхондарё вилояти филиали ҳам юртимиз равнақига ўзини камарбаста, деб билган муассасалардан биридир. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, филиал таркибида 15 та шаҳар ва туман бўлими, 9 та мини банк, 138 та шохобча ва 42 та махсус касса фаолият кўрсатмоқда. Ижтимоий-иқтисодий тармоқларни банк хизмати билан таъминлашни яхшилаш, ислоҳотлар ривожига самарали улуш қўшиш, "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойилига устувор аҳамият қаратиш мазкур молия муассасаси фаолиятининг асосий мезонига айланган. Филиалнинг бугунги кундаги ресурс базаси анча кенгайган, ўзига тегишли барча жабҳаларда илғор тажрибаларни жорий этиб, фаоллигини ошириб бормоқда. Давлатимизнинг банк соҳасини жаҳон андозаларига мос равишда такомиллаштиришга қаратилган тадбирларининг бажарилиши борасидаги изланишлари ҳам ибратлидир.

### Омонатнинг мустаҳкам асоси

Президентимизнинг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони банклар билан аҳоли ўртасида ишончли шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

Пул ҳаракат йўналишида бўлмоғи лозим. Аниқроғи, у ҳаракатга келтирилмоғи керак. Ана шунда нафақат маблағ эгасига, балки бошқа жабҳаларга ҳам манфаат етади. Бу муҳим молиявий жараённи шакллантириш ва узлуксизлигини таъминлаш аксарият ҳолларда банкнинг изчил ҳамда беғараз ишлашига боғлиқ.

Халқ банки вилоят филиалининг шу йўналишларда олиб бораётган юмушлари эътиборга молик. Фармондан сўнг, банк "Олтин куз", "Кўклам", "Саёҳат", "Ижтимоий рағбат", "Миришкор деҳқон", "Баҳор", "Саховат" номли омонат турларини таклиф қилди. Бугунги кунда бўш пул маблағларни банк депозитларига қаратишни кенгайтириш ҳисобига барча тизимларда 363523 нафар омонатчининг 8 миллиард 801,5 миллион сўм омонат маблағлари сақланмоқда. Умумий омонат қолдиғининг 53,6 фоизини муддатли, 24,8 фоизини талаб қилиб олгунгача, 13 фоизини эса жамғарилувчи омонат ташкил этади.

— Бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишнинг моҳияти ва аҳамияти мавзуидаги тарғиботларимиз ўз самараларини бераётир, — дейди филиал бошқарувчиси Эркин Норматов. — Шу ўринда банкнинг ташаббускорлиги ва масъулияти ҳал қилувчи омил бўлиб қолишини таъкидлаш жоиз. Бунинг учун энди мижоз банкка эмас, банк мижозга бормоғи, мижознинг хоҳиш-истагига қараб иш тутмоғи лозим.



Учраши мумкин бўлган тушунмовчиликларни ҳал этишда, аввало, банк жамоаси жонбозлик кўрсатмоғи, хизматни ўрнига қўймоғи керак. Шунга амал қилаяпмиз. Мижоз энди банкда ўзининг депозит ҳисобварағини ўзига мақбул бўлган тартибларда очиши мумкинлигини, маблағларнинг келиб чиқиш манбаларини тақдим этиш шарт эмаслигини, унинг ҳуқуқи қонун томонидан ҳимоя қилинганини, қайд этилган даврда жисмоний шахсларнинг депозит ҳисобварақларидаги қўйган маблағлари барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилганини тушунтираяпмиз.

### Пластик карточка — ҳар жиҳатдан афзал

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори филиал тизимлари фаолиятини такомиллаштиришда дастуриламал бўлмоқда. Ушбу жабҳада ҳам, аввало, тарғибот ва ташвиқот ишларига аҳамият қаратаяпмиз. Бу ўз натижасини бераяпти.

Банк филиалининг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан аҳолига ва хўжалик юритувчи субъектларга пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш механизми яратилиб, ҳозирги кунда 230 та терминал ташкил этилди. Жорий йилнинг 1 сентябрига қадар терминаллар орқали 22 миллиард 357,1 миллион сўмлик муомала бажарилди. 31917 дона пластик карточка муомалага чиқарилди.

— 2009 йилнинг тўққиз ойи мобайнида нақд пулсиз ҳисоб-китоб хизматини яхшилаш мақсадида 12 та хўжалик юритувчи субъектга терминаллар ўрнатдик, — дейди Халқ банки Жарқўрғон тумани бўлими маслаҳатчи-менежери Сафар Норматов. — Коммунал тўловларни амалга оширишда, айниқса, пластик карточка қўл келаётганини одамларнинг ўзлари эътироф этмоқдалар. Маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлигимиз ҳам яхши самара бераётир. Фермер хўжаликлари, якка тартибда иш юритувчи тадбиркорлар пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилишнинг ҳадисини олишган.

Бундан ташқари, Халқ банки томонидан "Вестерн Юнион", "Контракт", "Юнистрим" халқаро пул ўтказиш тизимлари орқали яратилаётган қулайликлардан кўпчилик мамнун. Шу йилнинг сентябрь ойига қадар халқаро пул ўтказиш тизими орқали 14737 нафар мижозга хизмат кўрсатилди.

— Пластик карточкалар ҳозир жаҳоннинг қарийб 210 дан ортиқ мамлакатида самарали тўлов воситаси сифатида фойдаланилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Сурхондарё вилояти бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Ортиқов. — Яъни, ҳисобварақ очган банк пулни пластик карточкага тушириши ва шу маблағ доирасида тўловларни ёки харидларни ҳеч қандай муаммосиз амалга ошириши мумкин.

Вилоятимиз банклари томонидан шу йилнинг 8 ойида 259540 та пластик карточка муомалага чиқарилди. Шундан ойлик иш ҳақи лойиҳаларидаги карточкалар сони 174795 та. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада кўп. Пластик карточкалар ҳисобварақларига ўтказилган маблағ 116 миллиард 141 миллион сўмни ташкил этди. 2180 савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчасида пластик карточка муомаласи йўлга қўйилгани аҳолига қулайлик яратмоқда. 8 ойнинг ўзида 92 миллиард 584 миллион сўмлик тўлов ва харидлар шу йўналишда бажарилди.

Бу кўрсаткичда Халқ банки тизимининг улуши салмоқли эканлигини айтиш ўринли.

Пластик карточка — бу, аввало, пул эгасининг манфаатини ифодаловчи восита. Пластик карточка ҳисоб-китобда тезкорликни, ишончли жойда ва вақтда тўловни амалга оширишни таъминлайди. Банк карточка ҳисобварағида турган пулга қўшимча фоиз ҳисоблаб борилади. Пулни йўқотиб қўйиш ёки санашдаги чалкашликлардан муҳофазалайди. Карточкаларда ахборотлар ўз-ўзидан сақлаб қолинади.

Ҳар бир янгиликнинг дастлаб ўзига яраша муаммолари бўлиши мумкинлигини инкор этиш ножоиз. Пластик карточка эгаси билан савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида айрим тушунмовчиликлар юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатда жавобгар томон қонун доирасида маъмурий ё жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлигини томонлар билиб қўйганлари яхши. Истеъмолчининг ҳуқуқлари тегишли назорат идоралари, шу жумладан, банк томонидан ҳам ҳимояга олинади.

Шунингдек, ҳозир пластик карточка орқали тўловларни қабул қилувчи терминаллар билан жиҳозланган объектлар сонини кўпайтириш ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларида мижозларни рағбатлантиришга қаратилган "дисконт" ва "бонус" лойиҳаларини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

### Турмуш фаровонлиги йўлида

"Гагар Азимов" фермер хўжалиги ҳисоб рақамини Халқ банкидан очган. Хўжалик бошлиғи Эргаш Азимовнинг айтишича, мижозларнинг банкдан ёрдам сўраб қилган мурожаатлари эътиборсиз қолмаяпти. Банкнинг бевосита имтиёзли кредити билан хўжалик яқинда 59 миллион 626 минг 800 сўмга иккита техника воситасини харид қилди.

Халқ банкини оила банки, деб ҳам таърифлайдилар. Шунга қўшимча қилиб, Сурхондарёда уни "қишлоқ аҳлига мададкор банк" деб ҳам аташади. Масалан, биргина шу йилнинг 8 ойи мобайнида молия муассасаси томонидан қишлоқ аҳолисини янги иш ўринлари билан таъминлаш учун 976,3 миллион сўм кредит ажратилганининг ўзи бу таъриф бежизга эмаслигини кўрсатиб турибди.

— Банк кредити эвазига қорамол сотиб олдим, — дейди Эски Қўрғон маҳалласи фуқароси Ҳамро Салилов. — Шундан сўнг номимга меҳнат дафтарчаси ёзилди. Мен ҳам иш стажига, ҳам рўзғоримни обод қиладиган даромад манбаига эга бўлганимдан хурсандман.

Шу ўринда банк шохобчалари томонидан 13701 нафар фуқарога ихтиёрий равишда жамғариб бориладиган ҳисобварақлар очилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 29912 тадан зиёд жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари ёзилиб, корхона ва ташкилотларга тақдим этилди.

Ҳисобварақларга пенсия бадаллари ўтказилиши устидан кунлик мониторинг ҳам ўрнатилган. Келиб тушган маблағлар йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, бу маблағ 2005 йили 613 миллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ўтган 8 ойида 2 миллиард 242,2 миллион сўмга етди. Тушган маблағларнинг асосий қисми пенсия таъминоти ҳисобига олинган фуқароларнинг ҳисобрақамларига киритиб бориляпти.

**Б**анкнинг барча шохобчаларида маслаҳатчи-менежер лавозимлари жорий этилгани мижозларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш имконини яратмоқда. Маслаҳатчи-менежерлар муаммо пайдо бўлган жойда ҳозиру нозир. Улар тушунтириш ишлари билан чекланиб қолмай, юзага келган камчиликларни бартараф этишга ҳам ёрдамлашишмоқда.

— Биз халқимиз фаровонлигига хизмат қилиш йўлида имкониятларни ишга солаверамиз, — дейди Эркин Норматов сўзининг якунида.

**Олимжон УСАНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

---

### Обод қишлоқ — файзли маскан

***"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида ўтказилаётган "Энг яхши қишлоқ" республика кўрик-танловининг Наманган вилояти босқичи ниҳоясига етди.***

**Танлов**

Унда инфратузилмаси ривожланган, обод ва кўркам деб топилган 11 қишлоқ фуқаролар йиғини орасидан ғолиблар аниқланди. Натижада Уйчи туманидаги Ёркатай қишлоғи биринчи ўринга сазовор бўлди. Зеро, ушбу ҳудудда саноатни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кейинги бир йилнинг ўзида бу ерда янги қўшма корхона, атлас тўқишга ихтисослашган цех ишга туширилди.

Танловда 2 ва 3-ўринлар Косонсой туманидаги Ширин ҳамда Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоқларига насиб этди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона

РЕСПУБЛИКА «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
2009 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича аспирантуранинг кундузги бўлимига ҳужжатлар қабул қилади:
15.00.09 — Ижтимоий психология, этнопсихология.
13.00.01 — Умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи.
Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2009 йил 10 ноябрга қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:
100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй (мўлжал: Республика давлат мулки қўмитаси, 11-қават, 2-хона).
Телефонлар: (+998 71) 259-21-47, 259-22-59.




Alliance Insurance
Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!
«ALLIANCE INSURANCE» суғурта ташкилоти
Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдаги 210-сонли «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан, ўз жавобгарлигингизни ташкилотимизда суғурталашни таклиф этади.
Суғурта бўйича мутахассис таклиф этилган жойга чиқиши таъминланади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 35-уй.
Тел.: 120-71-00, 710-30-00, 414-41-77.
www.a-insurance.uz
e-mail: alliance@a-insurance.uz
Лицензия СФ № 00121

CSP ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ»
ПРОИЗВОДИТ
НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ
ТРУБЫ
ДИАМЕТРОМ ОТ 16 ММ ДО 1 200 ММ
ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ,
КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ,
ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.
ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.
Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.
Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантохур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК».
Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00,
моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-19-99.
e-mail: sedou2006@yandex.ru

